

Майитга савоби етадиган нарсалар | Фикҳ дарслари (279-дарс)



19:00 / 25 апрель 1302

Барча уламолар майитнинг дуо, истиғфор, садақа ва ҳаж каби баданий-молиявий ибодатлардан манфаат олишига иттифоқ қилганлар.

Уламолар намоз ва Қуръон қироати каби баданий ибодатлардан майит фойда олиши ҳақида бир оз ихтилоф қилганлар.

Ҳанафийларнинг мухтор (ихтиёр) қилган қавллари бўйича, қорилар қабрнинг олдида ўтириб қироат қилсалар бўлади. Бошқа ерлардаги қироатнинг савоби етиши ҳақида шубҳа йўқ. Чунки Қуръон қироати бўлган ерга раҳмат ва барака нозил бўлади. Қуръон қироатидан кейинги дуонинг қабул бўлиши осон.

Ҳанбалийлар: «Қабр олдида қироат қилса бўлади», деганлар ва унга Йаасинни ўлганларга ўқиш ҳақидаги ҳадисларни далил қилганлар.

Моликийлар: «Майитга унинг ўлимидан кейин ва қабр олдида қироат қилиш макруҳ, чунки аввалгилар бундай қилмаган», деганлар. Аммо уларнинг кейинги уламолари: «Қуръон қироати ва зикр қилиб, савобини майитга бағишлаш мумкин ва бундан бағишловчига ҳам ажр бўлади», деганлар.

Аввалги шофеъийлар: «Майитга ўзининг амалидан бошқа амал манфаат бермайди», деганлар.

Аммо кейинги уламолари таҳқиқ қилиб, «Фотиҳа ва бошқа сураларнинг қироати савоби ўлганларга етади», деганлар. Одамлар шунга амал қилганлар.

Шундай қилиб, тўрт мазҳабнинг барчаси Қуръон қироатининг савоби ўтганларга етишига иттифоқ қилганлар.

«Кифоя» китобининг биринчи жузи асосида тайёрланди

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 5 октябрдаги 03-07/7013-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.